



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 20-may • Payshanba • 60 (31.180) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,  
Осиё тараққиёт банки ҳамда  
ОТБ Бошқарувчилар кенгаши-  
нинг яқинда Тошкент шаҳри-  
да бўлиб ўтган 43-йиллик маж-  
лисининг барча иштирокчи-  
лари номидан Сизга, Ўзбеки-  
стон ҳукумати ва халқига мазкур  
анжуман юксак савияда ташкил  
этилгани муносабати билан самими-  
й миннатдорлик изҳор этишга ижозат  
бергайсиз.

Сизнинг раҳнамолигингизда  
мутасадди кишиларнинг улкан  
меҳнати туфайли ушбу йиллик маж-  
лис ОТБнинг барча анжуманлари  
орасида энг самарали ўтганларидан  
бири бўлди.

Ўзбекистон Ташкилий қў-  
митаси томонидан юксак савияда  
ташкил этилган барча расмий тадбир-  
лар, Ўзбекистон халқининг гоят меҳ-  
мандуслиги, гўзал мамлакатининг  
гизининг бой тарихи ва замонавий  
инфраструктурани ривожлантирган  
ҳолда эришадиган улкан ютуқларингиз  
мажлис иштирокчилари томонидан  
алоҳида эътироф этилди.

Ушбу анжуманнинг муваф-  
фақияти ОТБ Бошқарувчилар  
кенгашининг 43-йиллик маж-  
лисини Тошкент шаҳрида ўтказиш  
тўғрисидаги қарор нечоғли тўғри  
бўлганини ёрқин намойиш этди. Бу  
Ўзбекистоннинг иқтисодий ва иж-  
тимоий соҳаларда қўлга киритаётган  
ютуқларининг, айниқса, амалга  
оширилаётган иқтисодга қарши  
чоралар самарадорлигининг, босқич-  
масоқчи ислохотлар ва оқилона  
фискал сиёсатга асосланган  
ривожланишининг «ўзбек модели»  
нақадар мустақамлигининг, шунинг-  
дек, истиқболдаги тараққиёт учун  
мавжуд улкан салоҳиятнинг яққол  
ифодасидир.

Сизнинг анжуманинг очи-  
лиш маросимидаги нутқингизда,  
айниқса, Ўзбекистон ва умуман бутун  
Осиёнинг инқироздан кейинги ривож-  
ланиши борасидаги стратегик  
гояларингизда теран маъноли ва  
узқоқни кўзлаган фикрлар ифода  
этилгани мажлисининг барча ишти-  
рокчилари томонидан юксак баҳо-  
ланди. Жаноби Олийлари, ўз нутқин-  
гизда Ўзбекистон Республикаси  
билан Осиё тараққиёт банки ўртаси-  
даги ҳамкорликни сезиларли даража-  
да фаоллаштирди — анжуман кун-  
лари умумий қиймати 1 миллиард  
АҚШ долларида зиёд битимлар им-  
золанди, кредит портфелининг  
кўпайтиришга икки баробар ошди.  
Жаноби Олийлари, Сизни ишонтириб  
айтаманки, Ўзбекистон ОТБнинг  
Марказий Осиёдаги доимий стратегик  
ҳамкори бўлиб қолади.

ОТБ минтақавий ҳамкорлик-  
ни ривожлантиришда етакчи мамла-  
кат бўлган Ўзбекистонни ҳар томон-  
лама ва изчил қўллаб-қувватлашни  
бундан кейин ҳам давом эттиради.  
Гоят муҳим мазкур форумнинг  
муваффақиятли ўтгани муносабати  
билан Сизга ва Ўзбекистон халқига  
яна бир бор чуқур миннатдорлик  
билдиришга ижозат бергайсиз.

Самимий эътиром ила,  
Харушико КУРОДА,  
Осиё тараққиёт банки президенти

## SOS БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ

ўзаро аҳил-инок, меҳр-оқибатли  
оилаларни яратди

Иккинчи жаҳон уруши даҳшат-  
ларини кўрган, ота-онаси-  
дан эрта ажралган австриялик  
Генрих Гмайнер етимлик азоблари  
нима эканини ўз бошидан кечир-  
ган. Бундай болалар учун ҳаётда  
нима муҳим эканини ўз тажриба-  
сидан англаб етган. Ва қаровсиз  
қолган болалар тарбиясининг  
инсоний модели концепциясини  
ишлаб чиқиб, 1949 йил Австрия-  
нинг Имст шаҳарчасида биринчи  
SOS Болалар қишлоғини ташкил  
этган. Бу ерда уруш туфайли  
ёлғиз қолган аёллар ҳам оила  
ва фарзандларга эга бўлиб,  
ҳаётига мазмун қиради.


«Агар Австрияда ҳеч бўлмаганда  
учта болалар қишлоғини қура  
олсам, умрим беҳуда ўтмади,  
деб ҳисоблардим», — деган эди у.

Айни кунда барча қитъалардаги  
132 мамлакатда 450 SOS қишлоқ-  
лари фаолият юртияпти.

Бундан ўн йил муқаддам  
Ўзбекистонда биринчи SOS  
маҳалласи очилган эди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек  
туманидаги бу маҳалланинг яшилликка  
бурканган кўчасидаги қатор  
экилган ниҳоллар дарахтга  
айланиб, ҳосилга кирган, олма,  
ўриклар шигил мева туккан.

Шу ўн йил ичида ота-онасиз  
қолган болаларни асрашнинг  
инсонийлик модели Ўзбекистонда  
ҳам ўзининг мева-фалтини берди.  
Болаларнинг ҳаётига разм солиб,  
қалбига қулоқ тутсангиз, бунга  
ўзингиз ҳам амин бўласиз.



Ижтимоий ҳимоя

4-бет

Мамлакатингизда қисқа вақт ичида барча соҳаларда,  
жуғлашда, нефть-газ, қишлоқ  
хўжалиги, транспорт ва транспорт  
коммуникациялари, таълим,  
сайёҳлик каби жабҳаларда  
амалга оширилган ўзгаришлар  
ва қўлга киритилган улкан ютуқ-  
ларни ҳайратланарлиқ.

Ник ШЕРРИ,  
Австралия ҳукумати вазирлиги  
ўринбосари, сенатор

Сингапурда илк бор 2010 йилнинг август ойида  
ўтказилган Ешлар ўртасидаги  
олимпиада ўйинларининг  
очилишига 100 кун қолганлиги  
муносабати билан тантанали  
маросим бўлиб ўтди.

## СИНГАПУР — Ешлар ўртасидаги олимпиада меҳмони

Маросимнинг расмий қисми  
яқунлаб, Ешлар ўртасидаги  
олимпиада ўйинлари мувофиқ-  
лаштирувчи қўмитаси раиси,  
Халқаро енгил атлетика федерация-  
лари уюшмаси вице-президенти,  
олимпиада чемпиони Сергей Бубка  
«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири  
билан бўлган суҳбатда Ўзбекистонда  
бугунги кунда спортнинг ривож-  
ланиб бораётганидан яхши хабардор  
эканини айтди. Унинг сўзларига  
қўра, «истиколнинг илк йилларида  
қўлгина МДХ мамлакатлари каби  
дуч келинган қийинчиликларга қарамай,  
Ўзбекистон ҳукумати спортчилари  
ва мамлакатда спортни ривож-  
лантириш масаласини бир муддат  
бўйсин унутгани йўқ, аксинча,  
бу ерда янги спорт иншоотлари  
қурилади, мавжудлари замонавий  
талабларга жавоб берадиган  
ҳолда таъмирланди». С.Бубка  
Ўзбекистонлик енгил атлетикачи-  
ларнинг бўлажак мусобақада  
муваффақият билан иштирок  
этишларига ишонч билдирди.

Шунингдек, Сингапурда бўлиб  
ўтадиган Олимпиада ўйинлари  
бош ижрочи директори Го Ки  
Нгуан Ўзбекистон миллий олимпиада  
қўмитаси билан доимий алоқада  
бўлиб турганини айтиб, биринчи  
бор ўтказилаётган Ешлар ўртаси-  
даги олимпиада ўйинларида  
Ўзбекистонлик спортчилар юқори  
натижаларга эришишлари амин  
эканини билдирди.

«Жаҳон» АА,  
Сингапур.

## 1 САВОЛГА ЖАВОБ



Хусниддин ШАРИПОВ,  
ЎзХДП Пастдаргом туман  
кенгаши раиси:

## «Партия ташкилоти етакчиси қан- дай бўлиши керак, бугун ундан нима- лар талаб этилмоқда?»

— Партия етакчиси бўлиш масъулият демакдир. Бу осон иш эмас, албатта. ЎзХДП илгари сурган гоёларни жамоатчиликка етказиш, партия аъзолари ва хайрихоҳларини ўз ортидан эргаштира олиш, уларга ички ҳамда ташқи сиёсатимиз ҳақида тушунча бериш катта билим, ташкилотчилик ва фидойиликни талаб этади. Бу ҳам бир санъат, аслида.

Туманда 1779 нафар партия аъзоси 34 та БПТга бирлашган. Мавжуд 102 та маҳаллада сафдошлар ва хайрихоҳлар билан ишлаш, электорат муаммоларини ўрганиш, уларнинг ечимини буйича таклифлар тайёрлаш, сиёсий-маърифий тадбирлар ўтказиш зиммамизга катта масъулият юклайди.

Биз XXI асрда яшаймиз. Бугунги шиддатли ўзгаришлар шароитида сиёсий партия қандай бўлиши керак? Биз қандай тажрибаларга таянишимиз мумкин? Бу савол мени доим ўйлантиради. Ҳаётнинг ўзи партияимизнинг дастурий гоёларини тарғиб қилишда янгича ёндашушни талаб қилмоқда. Эскича сиёсий усул ўзини оқламапти. Бугунги партия етакчиси ҳар қачонгидан фаол бўлиши керак. Умуманфаат деб жон қуйдирмаса, замон билан ҳамқadam бўлмаса, ижобий натижага эришиши қийин.

## Эндокринология ва замонавий технологиялар

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумоти-  
га қўра, кейинги йилларда дунёда қандли диабет  
хасталиги кўпайгани кузатилаётди. Бу касаллик меҳнатга  
лаёқатнинг пасайиши, ногирон бўлиб қолиш, ҳатто  
ҳаётдан қўз юмишга сабаб бўлади. Замонавий тиббиёт  
олдида турган бундай долзарб муаммолар эндокрино-  
логия соҳасида қўрсатилаётган тиббий хизмат қўла-  
мини кенгайтириш, касалликларнинг олдини олиш,  
ташқиқ қўйиш ва даволаш усулларини янада тако-  
миллаштиришни тақозо этмоқда.

Пойтахтимизда иш бош-  
лаган эндокринологиянинг дол-  
зарб масалаларига бағишлан-  
ган республика илмий-амалий  
анжуманида ана шулар ало-  
ҳида қайд этилди. Ўзбекистон  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги,  
Республика ихтисослаштирилган  
эндокринология илмий-амалий  
маркази тиббиёт маркази ҳамда  
Эндокринологлар уюш-  
маси ҳамкорлигида ташкил  
этилган тадбирда олимлар,  
шифокорлар ва ёш тадқиқот-  
чилар иштирок этмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазири  
ўринбосари А.Комилов, Рес-  
публика ихтисослаштирилган  
эндокринология илмий-амалий  
тиббиёт маркази дирек-

тори С.Исмоилов ва бошқа-  
лар инсон саломатлигини  
ҳимоялаш, халқимиз соғлом  
ва фаровон турмуш кечири-  
ши учун зарур шароитни яра-  
тиш, тиббий хизматни аҳоли-  
га янада яқинлаштириш жа-  
миятимизда амалга оширила-  
ётган ислохотларнинг устувор  
йўналишини ташкил этишини  
таъкидлади.

Президентимиз Ислом  
Каримовнинг соғлиқни сақ-  
лаш тизимини ислох қилиш-  
ни янада чуқурлаштириш ва  
уни ривожлантириш давлат  
дастурини амалга ошириш-  
нинг асосий йўналишларига  
оид фармонида белгиланган  
вазифалар тиббиётнинг бош-

қа йўналишлари қатори эндо-  
кринология хизмати қўламини  
янада кенгайтиришда му-  
ҳим дастуриламал бўлаётди.  
Ушбу ҳужжатда белгилан-  
ган вазифалар босқичма-  
босқич ҳаётга татбиқ этили-  
ши натижасида ихтисослаш-  
тирилган илмий-амалий тиб-  
бий марказлар тармоғи кен-  
гаймоқда. Эндокринология  
илмий-амалий тиббиёт мар-  
кази ана шундай шифо мас-  
канларидан бири. Бу ерда  
йилга қарийб уч юз нафар  
беморга стационар, ўн минг-  
га яқин беморга консульта-  
тив тиббий ёрдам қўрсати-  
лади. Марказ ҳузурда таш-  
кил этилган махсус мактаб-  
ларда аҳолининг тиббий ма-  
даниятини ошириш, соғлом  
турмуш тарзини тарғиб этиш,  
касалликларнинг олдини  
олишга оид машғулотлар  
уюштирилмоқда.

Марказда олимлар,  
шифокорлар ва мута-  
хассислар ҳамкорли-  
гида илмий изланиш-  
лар ва даволашнинг  
замонавий усуллари

ни ўзлаштириш ҳамда  
улардан оқилона  
фойдаланишга алоҳи-  
да эътибор қарати-  
лмоқда. Хориждаги  
нуфузли клиникалар  
билан йўлга қўйилган  
яқин алоқалар нати-  
жасида нейроэндо-  
кринологиянинг дол-  
зарб масаласи —  
гипофез бези адено-  
масини жарроҳлик  
йўли билан даволаш-  
нинг янги усуллари  
ўзлаштирилди.

Икки кун давом этадиган  
анжуманда қандли диабетни  
даволашга доир янгича ёнда-  
шулар, йод танқислиги ка-  
салликларининг тарқалиш  
динамикаси ва олдини олиш-  
га оид устувор вазифалар,  
нейроэндокринология ва  
репродуктив саломатлик, бо-  
лалар эндокринологияси  
каби мавзуларда маърузалар  
тингланади.

Б.ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири

O'zbekiston  
havo  
yo'li  
TOSHKENT  
XALQARO  
AEROPORTI  
Хизматлар  
лицензияланган

| 20 май об-ҳавоси | Юртимизда | Хорижда   |      |
|------------------|-----------|-----------|------|
| Тошкент          | 29°C      | Лондон    | 20°C |
| Самарқанд        | 32°C      | Париж     | 25°C |
| Нукус            | 32°C      | Москва    | 13°C |
| Қорғиш           | 34°C      | Мадрид    | 26°C |
| Ургуч            | 31°C      | Пеккин    | 17°C |
| Навоий           | 32°C      | Гангукун  | 28°C |
| Фарғона          | 31°C      | Рим       | 21°C |
| Бухоро           | 33°C      | Анқара    | 18°C |
| Андижон          | 31°C      | Токио     | 22°C |
| Насавон          | 31°C      | Стокгольм | 14°C |
| Термиз           | 35°C      | Кейптаун  | 23°C |
| Жиззах           | 31°C      | Қоҳира    | 27°C |
| Сардар           | 31°C      | Гавана    | 34°C |
| Тошкент вило.    | 32°C      | Вашингтон | 17°C |

ЎзХДП ҳаёти

# Энг муҳим вазифа

электорат манфаатини химоя қилишди, дея таъкидланди  
ЎзХДП Навоий шаҳар, Деҳқонобод, Пахтакор туман кенгашлари пленумларида

Деҳқонобод туман партия кенгашининг пленумида партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатларини химоя қилиш, муаммоларга ечим излашда бошлангич ташкилотларнинг имконияти катта экани таъкидланди. Қарорда бошлангич ташкилот фаол ишласа, хайрихоҳлар билан ҳамнафас бўлса, шу ерда муваффақиятга эришилади.

Деҳқонобод тумани тоғли ва чўл олдиди ҳудудда жойлашган. Аҳолининг ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, транспорт ва алоқа хизмати кўрсатиш тармоқларида айрим муаммолар бор. Бу эса ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришни тақозо этади. Демак 2 минг нафар аъзони бирлаштирган туман партия ташкилоти бу ишда ташаббускор бўлиши талаб этилмоқда.

— Туман партия кенгаши, жойлардаги бошлангич ва ҳудудий ташкилотлар, партиямиздан сайланган депутатлар бу борада фаолликларини янада кучайтириши зарур, — деди туман партия кенгаши раиси Ашур Норбоев. — Учрашув, мулоқот ва дара суҳбатларида электорат вакиллари ўзларини ташвишга солаётган муаммолар ҳақида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдираётти. Туман партия кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳлари уларнинг ечим юзасидан чора-тадбирлар кўришга, керак бўлса, маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига муқоабил, рақобатдош лойиҳаларни киритишга масъулдир.

— Туманда ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлашда фойдаланил-маётган имкониятлар мавжуд, — деди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолининг ижтимоий муҳофазаси бўлаётган Деҳқонобод Калити ўғитлар ишлаб чиқариш заводи ва бошқа имконият ҳамда ресурслардан фойдаланиш зарур.

ЎзХДП Навоий шаҳар кенгаши пленумида ҳам амалий ишларнинг галдаги режалари белгилаб олинди.

«Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган иккинчи гоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини йрнатишдан иборатдир».



Абдуманно РАҲИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

# ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ САМАРАСИ

парламент назорати соҳасида миллий парламентимиз ҳам ўзига хос таърибга эга бўлди. Мазкур институт, мамлакатимиз парламенти икки палатали шаклда фаолият юрита бошлаганидан сўнг янада долзарб аҳамият касб этди. Бизнингча, парламент назорати институтининг бугунги кунда бундай аҳамият касб этиши, энг аввало, ҳокимиятнинг турли тармоқлари, жумладан, давлат ҳокимияти органлари ваколатлари ўрнатилган мувозаанати таъминлаш зарурати билан изоҳлаш мумкин.

этувчи ҳокимиятнинг, бу қонунларни рўйбга чиқариши лозим бўлган маъмуриятнинг ҳаракатларини назорат қилиш имкониятига эга бўлмаса, у қозғода қолиб кетавери» деган фикрни илгарти суради.

Жаҳон парламентаризми амалиётда назорат вазифаси турлича намоён бўлиб, бу давлат тузумининг ўзига хослиги ва унинг институтлари ўзаро нисбатини акс эттиради. У ҳукуматнинг бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларида, жорий масалалар бўйича ахборотда, парламент муҳокамаларида, депутатлар сўровларида ва бошқа шу қабиларда ифодаланган.

Парламент назорати соҳасида миллий парламентимиз ҳам ўзига хос таърибга эга бўлди. Мазкур институт, мамлакатимиз парламенти икки палатали шаклда фаолият юрита бошлаганидан сўнг янада долзарб аҳамият касб этди. Бизнингча, парламент назорати институтининг бугунги кунда бундай аҳамият касб этиши, энг аввало, ҳокимиятнинг турли тармоқлари, жумладан, давлат ҳокимияти органлари ваколатлари ўрнатилган мувозаанати таъминлаш зарурати билан изоҳлаш мумкин.

Олий Мажлис палаталари томонидан амалга оширилаётган парламент назоратининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари ижроси устидан назоратни; давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилишни; инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши соҳасидаги назоратни; давлат органларини шакллантириш ва мансабдор шахсларни сайлаш, тайинлаш ёки тасдиқлаш йўли билан назорат шаклини амалга оширишни; парламент олдида ҳисобдор органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглаш ва улар фаолияти юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш орқали назоратни амалга оширишни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси давлат ҳокимиятини амалга оширишда, ҳуқуқ ва қонун устуворлигини таъминлашда, халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишда парламентнинг устувор аҳамиятига эга эканлигиндан келиб чиқади.

Маълумки, ҳар бир ҳокимият тармоғига асосий ваколатлар билан биргаликда бошқа тармоқларга нисбатан назорат қилиш ваколати берилган. Баъзи ҳокимият давлатларида бундай назорат ваколати «назорат ҳокимияти» деб номланган алоҳида тармоқ томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланган бўлса-да, амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд, асосан қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлис назорат ваколати билан таъминланган.

Дарҳақиқат, парламент халқнинг вакиллик органи бўлганлиги боис давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари устидан, айниқса, ўзи сайлайдиган, таъсис этадиган ва тайинлайдиган идоралар, мансабдор шахслар фаолияти устидан муайян назоратни амалга ошириши зарурдир.

Шу ўринда парламент назоратини олиб борувчи субъектлар доирасини тахлил қилиш ва уларга берилган ваколатлар масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Қонун ҳужжатларига мавжуд, парламент назорати субъектлари таркибига Қонунчилик палатаси, Сенат, Қонунчилик палатасининг қўмитаси ва комиссиялари, сиёсий партиялар фракциялари, Сенатнинг қўмитаси ва комиссиялари, Қонунчилик палатаси депутати ҳамда Сенат аъзоларини киритиш мумкин. Шунингдек, Сенат аъзоларининг асосий қисми ҳудудий вакиллик органларидан сайланиши ҳисобга олинган бўлса, халқ депутатлари Кенгашларидан сайланган Сенат аъзолари бир пайтнинг ўзиде Сенат ва ўзи сайлан-

ган маҳаллий Кенгаш номидан назорат функциясини амалга ошириши билан маҳаллий вакиллик органи нуфузини ҳам кўтариши диққатга сазовор.

Мазкур институтнинг аҳамияти нечоғлик юқори эканлиги инобатга олиниб, мамлакатимизда парламент назоратини амалга оширишнинг барча ҳуқуқий асослари, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунлар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.

Бугунги амалиётда, Олий Мажлис палаталарининг Конституцияда белгиланган биргаликдаги ва мутлақ ваколатларидан келиб чиқиб, уларнинг назорат-таҳлил фаолиятини куйидагиларга бўлиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг биргаликдаги ваколатларидан келиб чиқадиган парламент назоратини амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан парламент назоратини амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан парламент назоратини амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан парламент назоратини амалга ошириш.

Парламент палаталарининг биргаликдаги назоратини амалга ошириши куйидаги ҳолатларда кузатилади: Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш; Давлат бюджети ижроси юзасидан тегишли ваколатли шахснинг ҳисоботини эшитиш.

Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асосланган ташаббускор бўлиши зарур. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ҳам парламент назоратини амалга оширишда ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қирадиган масалалар юзасидан асосланган ташаббускор бўлиши зарур. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳи томонидан амалга ошириладиган парламент назоратини кўрсатиш мумкин.

Сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳи парламент назоратини куйидаги шаклда амалга оширади: Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига қирадиган масалалар юзасидан асосланган ташаббускор бўлиш билан муаммолар борлиги ҳақида маълумотларга эга бўлиши ва мавжуд маълумотларни таҳлилга таянган ҳолда, у ёки бу қонуннинг ижросини маълум ҳудуд ёки бирон-бир тармоқда ўрганиш, уларнинг назорат-таҳлил фаолияти янада самарали бўлишига хизмат қилади. Шунингдек, парламент томонидан олиб бориладиган назорат фаолияти оммавий ахборот воситаларида маълумот тарзида эмас, балки чуқур таҳлиллар асосида кенг ёритилса, ишонимли, парламент назорати институтининг аҳамияти янада ошади.

Ҳақиқатдан ҳам мамлакат парламенти ўтган 2005-2009 йиллардаги фаолият давомида мазкур йўналишда, муайян ишларни амалга оширган бўлса-да, бироқ, юқоридаги маърузада таъкидланганидек, «қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклидан суфт фойдаланилган».

Шу ўринда аввало парламент назорати институтининг аҳамияти ҳақида тўхталсак. Бу қандай назоратки, мамлакат Президенти ундан янада самарали фойдаланиш зарурлигини биз депутатлар олдида долзарб вазифалардан бири сифатида кўймоқда? Чунки, қонунларга риоя қилиш, улар ижросини таъминлаш, қонун нормаларида акс этиши лозим бўлган ижтимоий муносабатларни аниқлаш, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштиришда Олий Мажлис палаталари томонидан амалга ошириладиган парламент назоратининг алоҳида ўрни бор.

Парламент назоратининг куйидаги функциялари унинг асл маъзун-моҳиятини очиб беради, десак, муболага бўлмайди. **Биринчидан**, қабул қилинган қонунларнинг ижро этилишини ўрганиш; **иккинчидан**, қонунларнинг амалиётда қўлланилишига таъсир этувчи муайян омилларни аниқлаш; **учинчидан**, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш; **тўртинчидан**, назорат-таҳлил натижаларига асосан амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; **бешинчидан**, мансабдор шахсларнинг қонунлар ижросини таъминлашга бўлган масъулиятини оширишга доир чора-тадбирларни кўриш.

Дунё амалиётда ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат ваколати қонун ижроси жараёнида муҳим аҳамиятга эга эканини асослаган йўналишлар билан қарашлар мавжуд. Масалан, француз тадқиқотчиси Б.Шантебуннинг таъкидлашича, «хатто тарихий жиҳатдан қонунчилик вазифаси ҳам ҳокимиятнинг назорат функцияси билан келиб чиққан». Яна бир француз олими М.Лесажа эса, «қонунлар, агар уларни чиқарган қонун чиқарувчи орган ижро

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# Энг муҳим вазифа

электорат манфаатини химоя қилишди, дея таъкидланди  
ЎзХДП Навоий шаҳар, Деҳқонобод, Пахтакор туман кенгашлари пленумларида

Шаҳар партия кенгаши раиси Лола Собирова депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, Жамоатчилик қабулхоналари ишини тубдан яхшилаш зарурлигини алоҳида қайд этди. Шунингдек, Навоий шаҳар Кенгаши депутати Турсун Саматов, Навоий шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Лола Нейматова, «Саломатлик» газетаси муҳаррири Иброҳим Жумасев, «Хумо» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Насим Норовлар партиянинг дастурий мақсадларини ҳамкорликда амалга ошириш, аҳоли билан ишлашнинг замонавий усуллари борасида таклиф ва мулоҳазалар билдиришти.

Пахтакор туман партия кенгаши пленумида халқ депутатлари туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутатлар, бошлангич партия ташкилотлари етакчилари, партия фаоллари иштирок этди. Туман партия кенгаши етакчиси Зухра Умурзоқова партия ташкилотининг ўтган даврдаги фаолиятига танқидий баҳо берди.

— Бошлангич ташкилотларимиз, депутатларимиз ва фаолларимиз ёрдамида жойларда электоратнинг ҳуқуқий маданияти, сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган қатор семинар-тренинглр ўтказилди, — деди у. — Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам биз кутган савияда бўлмади, деб айтилмайди. Жамоатчилик қабулхонамизга тушган 55 та ариза ва мурожаатнинг 3 таси ҳақида ҳам айтилмаган.

Туман ҳокимиятининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фотима Нурматова, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси Карим Тўғлибоев, партия фаоли Нурқобул Сафаров ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак бериш, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқ бўлмаслик, ҳар доим дахлдорлик туйғуси билан яшаш зарурлиги тўғрисида фикр-мулоҳаза билдиришти.

Пленумларда кун тартибидеги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Партия-мизнинг Ҳаракат дастурини амалга ошириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Музаффар ТУРОПОВ, Музаффар ШАРОПОВ, Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарь вилоят кенгаши Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими, вилоят ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари, вилоят Наркология диспансери билан ҳамкорликда «Ешларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг аҳамияти, уларни тамаки ва наркотик моддалар таъсиридан асраш» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда вилоят партия ташкилоти фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, электорат вакиллари иштирок этишди.

Ҳақиқатдан ҳам мамлакат парламенти ўтган 2005-2009 йиллардаги фаолият давомида мазкур йўналишда, муайян ишларни амалга оширган бўлса-да, бироқ, юқоридаги маърузада таъкидланганидек, «қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклидан суфт фойдаланилган».

Унда вилоят партия ташкилоти фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, электорат вакиллари иштирок этишди.

Ҳақиқатдан ҳам мамлакат парламенти ўтган 2005-2009 йиллардаги фаолият давомида мазкур йўналишда, муайян ишларни амалга оширган бўлса-да, бироқ, юқоридаги маърузада таъкидланганидек, «қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклидан суфт фойдаланилган».

Унда вилоят партия ташкилоти фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, электорат вакиллари иштирок этишди.

Унда вилоят партия ташкилоти фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, электорат вакиллари иштирок этишди.

Унда вилоят партия ташкилоти фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, электорат вакиллари иштирок этишди.

Унда вилоят партия ташкилоти фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, электорат вакиллари иштирок этишди.

Унда вилоят партия ташкилоти фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, электорат вакиллари иштирок этишди.

Унда вилоят партия ташкилоти фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, электорат вакиллари иштирок этишди.



